



**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
ИННОВАЦИОН
РИВОЖЛАНТИРИШДА ОЛИЙ
ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-
ХУНАР ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИ ЁШ
ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ”**

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

27 май 2016 йил
Тошкент

МУНДАРИЖА

КИРИШ СЎЗИ	3
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ЁШ ОЛИМЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИ ВА САЛМОҒИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ Б.А.Сулаймонов, М.Т.Тошболтаев	4
КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР Т.Эшназаров	6
РЕСПУБЛИКАДА ҚАНДАЙ ДЕҲҚОНЧИЛИК СИСТЕМАСИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН? Р.Ш.Тиллаев	7
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ВОСПИТАНИЕ МОЛОДЕЖИ – ВЕРНЫЙ ПУТЬ К ДОСТИЖЕНИЮ ВЫСОКОИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ОБЩЕСТВА Д.У.Мамадияров, Х.Ахмедов	9
ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ВА ХОРИЖДА РИВОЖЛАНИШИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ А.Раджабов, Н.Эшпулатов, М.Саломов	10
ИНЖЕНЕР ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЭТАЛОН ТАЛАБЛАР З.А.Сейтимбетова	14
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ Н.Р.Рахмонов, Б.С.Муратов, О.Р.Файзиев	17

1-ШЎББА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК Р.Э.Турдибоева	20
ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ АНИҚЛАШ, ЎРГАНИШ ВА ОММАЛАШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ Р.Т.Юлдашев, В.С.Юлдашева	21
ЭКОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯНИ ҚўЛЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ Г.К.Сапарова, Э.Зарипов, С.Юлдашева, Ш.Б.Муталова, М.Н.Бутаева	25
ТЕХНИКА ФАНЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАНИНГ АҲАМИЯТИ М.Мирзакаримов, Х.А.Мирзабеков, Т.Н.Халмурадов	27
ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРНИ ҚўЛЛАШ Р.Ботиров, Ш.Собиров, Т.Н.Халмурадов	28
DARS JARAYONIDA INNOVATION USULLARNI QO'LLASHL T.Djurayeva, Yu.T.Yuldashev	30
INNOVATION TA'LIM MUAMMOLARI, YUTUQLAR VA ISTIQBOLLAR Yu.T.Yuldashev, L.T.Djurayeva	32
ANIMALISTIK FRAZELOGIZMLARDA MILLIY KOLORITNING IFODALANISHI J.M.Djalilov	34
ANIMALISTIK FRAZELOGIZMLARNING KELIB CHIQISH TARIXI J.M.Djalilov	36
QO'SHQANOTLI SO'ZLARINING RUS TILIDAN INGLIZ TILIGA TARJIMASIDA TARJIMAVIY ALMASHTIRISHLAR TIPLARI R.Y.Xasanova	37

ПРИМЕНЕНИЕ ТОПИАРНЫХ ФИГУР В ЛАНДШАФТНОЙ АРХИТЕКТУРЕ Г.Махмудова, Г.Ёдгорова	144
РАСТИТЕЛЬНЫЕ БОРДЮРЫ: ПРАВИЛА СОЗДАНИЯ, ПОДБОР РАСТЕНИЙ Г.Махмудова, О.Тагаев	146
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ С.Я.Исламов, А.А.Сафаров, Б.А.Абдусатторов	147
ПЕРСПЕКТИВНЫЙ ВЕЧНОЗЕЛЁННЫЙ КУСТАРНИК ДЛЯ ПРИМИНЕНИЯ В ЗЕЛЁННОМ СТРОИТЕЛЬСТВЕ Г.Махмудова, М.Хасанова	148
ПАХТА ХОМ - АШЁСИНИ ТОВАРБОПЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ И.И.Маматқулов, Т.Б.Қасимов	149
ДОННИНГ ҚАЙТА ИШЛАШ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ С.Я.Исламов, А.Ш.Азизов, Б.А.Абдусатторов	150
ОЗИҚЛАНИШ МАЙДОННИ ЭРТАГИ КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ Д.М.Якубова, Г.Абдуллаева, Ж.Тўраев	151
ВЛИЯНИЕ ИРРИГАЦИОННОЙ ЭРОЗИИ НА ОСНОВНЫЕ СВОЙСТВА ОРОШАЕМЫХ СВЕТЛЫХ И ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЕМОВ Н.Раупова, М.Сейтимбетов, Н.Рашидова	153
ЭНЕРГИЯ ТЕЖАМКОРЛИГИГА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁРИТИШ ТИЗИМЛАРИ ОРҚАЛИ ЭРИШИШ МАСАЛАЛАРИ Ў.А.Халиқназаров, Д.И.Абдунабиев, У.А.Ўсаров, Б.Умиров	154
ТЕХНИК ЧИГИТ НАМЛИГИНИ КАМАЙТИРИШДА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ О.Қ.Матчонов, Т.О.Салиева	156
ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИДА НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ А.Ш.Азизов, .М.М.Худаяров, Б.А.Абдусатторов, Б.Н.Абдуллаев	157
МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРГА ЗАРАРКУНАДА ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТАЪСИРИ С.Ш.Юлдашева, И.Т.Эргашева	158
СУВ ТЕЖАМКОРЛИГИ – ҲАЁТ ФАРОВОНЛИГИ Х.Аясов, Н.Дурдиев, Ж.Тўрақулов	159
СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ Б.Хофизов, А.Холиқов, Х.Аясов, Ж.Тўрақулов, И.Тўлиев	160
ДОН СИФАТИНИНГ ОЗИҚЛАНТИРИШ РЕЖИМИГА БОҒЛИҚЛИГИ И.Маматқулов	162
ВЕГЕТАТИВ ПАЙВАНДТАГЛАРНИ ҚАЛАМЧАДАН КЎПАЙТИРИШ И.Т.Нормуратов, И.Ч.Намозов, Д.У.Жанакова, А.Қодиров	163
ЖУМРУТСИМОН ЧАКАНДАНИНГ(НІРРОНАЕ RHAMNOIDES L) ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРИ Э.Т.Бердиев, С.Ю.Хидиров, А.А.Қосимхўжаев	165
ЭКИШ МУДДАТЛАРИНИ КЕЧКИ КАРТОШКАНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ Д.Якубова, С.Норматов, А.Бабаев	166
УРУҒЛИК СИФАТИНИ КЕЧКИ КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ О.Қодирхўжаев, Д.Якубова	168
ҒАЛЛА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЗАРАРИ ВА УЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЧОРА ТАДБИРИ О.Сотторов	170

натижалари пахта маҳсулотларига тўғри баҳо бериш бўйича махсус тавсиянома ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Шунинг учун ҳам пахта маҳсулотларини технологик таҳлиллардан ўтказиш жараёнида ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларида, тадқиқотлар предметлари сифатида уларнинг генетик нав чиқиши ҳисобга олиниши керак.

Пахта намуналарига дастлабки ишлов бериш жараёнида товарбоплик даражаси тегишли ГОСТлар бўйича аниқланади.

Пахтанинг товарбоплик даражаси физик-технологик жараёнларга боғлиқ бўлиб, турли технологик таҳлиллар жараёнида намоён бўлади.

Тайёрлов ташкилотларига қабул қилинган пахтанинг товарбоплиги сифати, унинг технологик таҳлиллари жараёнида аниқланади.

Пахта маҳсулотлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар сифатини яхшиланиши ва рақобатбардорлигини оширишга хизмат қилади ҳамда пахтани тайёрлов жараёнининг илмий-амалий асослари яратилиб, ушбу соҳанинг назарий асослари юзага келиши натижасида иқтисодий самарадорлик ҳам ошади.

Тадқиқотларимизда пахта ҳосилининг намлиги, ифлослиги, товарбоплик сорти, чигит чиқими, тукдорлиги, тола чиқими ва бошқалар тегишли ГОСТлар бўйича аниқланади.

ДОННИНГ ҚАЙТА ИШЛАШ ЧИҚИНДИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚўЛЛАШ

С.Я.Исламов, А.Ш.Азизов, Б.А.Абдусатторов

Тошкент давлат аграр университети

Республикаимиз мустақилликка эришилгандан кейинги қишлоқ хўжалигида ўтказилган ислохотларнинг дастлабки босқичи, Республикаимизда ғалла мустақиллигига қаратилган эди. Ўтган йиллар давомида ғаллачиликда олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида катта ютуқларга эришилди.

Таъкидлаш керакки, бундай мўл ҳосил, асосан, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ишларини яхшилаш, ғўза ва бошоқли дон экинларининг районлаштирилган навларини жорий қилиш, замонавий агротехнологияларни ўзлаштириш эвазига таъминланди. Бунинг натижасида мамлакатимизда бугдойдан гектаридан ўртача 55 центнер ҳосил олингани, айрим туманларда бу кўрсаткич 60-77 центнерни ташкил этади [1].

Юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, етиштирилаётган ғалланинг ялпи ҳосили ортиб борган сари, уларни ўз вақтида йиғиштириб олиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларини тўғри ташкил этиш етиштирилган ғаллани истимолчиғача максимал миқдорда етказилишига қафолат беради.

Маълумки, ғалладан истимолчиға етказиладиган маҳсулот турларининг аксарияти уларни қайта ишлаш жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Шу сабабли қайта ишлаш корхоналарида бугун улардаги технологияларни модернизациялашганлигига қарамасдан, турли хил чиқиндилар чиқиб турибди.

Бундай чиқиндиларни аксариат қисми қайта ишланиб олинadиган маҳсулотлар сифатини янада бойитишга ёки бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўйналтирилмоқда. Аммо лекин бугун ишлаб чиқариш корхоналарида шундай чиқиндилар борки улар олимлардан ўз счимини кутмоқда.

Умуман олганда ғаллани қайта ишлаш корхоналаридаги чиқиндилар қўйидагича таърифланади.

Донли экинларга ишлов бериш жараёнида дон массасини бир қисми чиқинди таркибига ўтиб қолиши кузатилади, бу эса ўз навбатида донни қайта ишлаш билан чиқадиган маҳсулот ун миқдорини камайишига олиб келади.

Донни тозалаш бўлимидаги ускуналардан чиқадиган чиқиндилар, уларнинг озука бирлигига қараб уч категорияга бўлинади.

- ❖ Биринчи категориядаги чиқиндилар бу таркибда 30-50 % гача дон массаси ва 10-30 % гача оқартирилган чангдан иборат бўлади;

- ❖ Иккинчи категория таркибда 2-10 % гача дон массаси ва кул ранг чангдан иборат бўлади;

- ❖ Учунчи категория чиқиндиларига биринчи сепаратордаги ситларда ҳосил бўладиган чиқиндилар кириб, унинг таркибда 2 % гача дон массаси бўлиши мумкин [2,3].

Биринчи ва иккинчи категориядаги чиқиндилар донни ювиш ёки донни биринчи ва иккинчи намлаш жараёнларида ҳосил бўлади. Бу чиқиндилар асосан дон парчалари ёки синиклардан таркиб топган. Бундан ташқари улар таркибда тўлиқ бўлмаган ёки бегона ўтлар уруғлари бўлади.

Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи категориядаги чиқиндиларга у ёки бу миқдордаги чиқиндилардан ташкил топган бўлиб, уларни чорва моллари озуқасига яроқли ҳисобланади. Бу категориядаги чиқиндилар одатда ювиш жараёнидан кейин иккинчи ва учунчи сепарация ва шеткали машиналардан ажратилади.

Учинчи категориядаги чиқиндилардан чорвачиликда озука сифатида фойдаланиб бўлмайди. Бу категориядаги чиқиндилар биринчи сепараторлар ситидан чиққан озука учун фойдаланиб бўлмайдиган

аралашмалар ва органик аралашмалардан ташкил топган. Бу категориядаги чиқиндилар одатда ювиш жараёнидан олдин ҳосил бўлади.

Бошланғич сифат кўрсаткичлари эга бўлган дон маҳсулотларини тозалашда ҳосил бўладиган чиқиндилар миқдори доннинг бошланғич массасига нисбатан биринчи, иккинчи категориядаги чиқиндилар 2,8 %, учунчи категориядаги чиқиндилар эса 0,7 % гача бўлади. Бу кўрсаткичларни ўзгариши доннинг бошланғич сифат кўрсаткичларига ва ускуналардаги жараёнларни тўри ташкил этилишига боғлиқ [4].

Юқорида келтириб ўтилган чиқиндилардан биз ўз илмий тадқиқотларимиз давомида учунчи категорияли чиқиндиларни таркибини ўрганиш ва уларни янги технологиялар қўллаш натижасида қайта ишлашни мақсад қилиб қўйдик ва улар устида изланишлар толиб бормоқдамиз.

Таҳлил қилинган адабиётлар ва шу кунгача биз томонимиздан ўтказилган изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, чиқиндиларни қайта ишлаш билан нафақат экологик муоммоларни ҳал этиш бундан ташқари бизнинг фикримизча, қайта ишланган чиқиндиларни чорвачиликда қўлланиладиган озукаларга қўишиши натижасида уларни озука бирлигини оширишга эришамиз.

ОЗИҚЛАНИШ МАЙДОНИНИ ЭРТАГИ КАРТОШКА ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Д.М.Якубова, Г.Абдуллаева, Ж.Тўраев

Тошкент давлат аграр университети

Картошка халқ хўжалигида озиқ-овқат сифатида катта аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги экинидир.

Картошка, нафақат, озиқ-овқат ўсимлиги, балки у шифобахшлик хусусиятига эга бўлган экиндир. Уни туганаги таркибида Д.Менделеев даврий жадвалининг 26 элементи борлиги аниқланган.

Картошка тугунагидан тайёрланган шарбат шамоллаш, хавфли шишларни, спазмални касалликни олдини олиш ва захар ҳайдашда қўлланилади.

Бу қимматбаҳо ўсимликдан олинадиган ялли ҳосилни қўпайтириш захираларидан бири, уни озиқланиш майдони-экиш схемасини тўғри танлашдир. Бу тўғрисида Д.Т.Абдукаримов (1997), В.И.Зуев ва бошқалар (2016) қўйидаги фикрларни баён этганлар.

Эртаги картошка юқори ва сифатли ҳосил олишда уни экиш қалинлиги ва озиқланиш майдонини экиладиган навнинг серпалак-кампалак ва ҳар бир туп ҳосил қиладиган тугунақлар сони ва шу билан бирга қўлланиладиган машина ва механизмлар параметрлари ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши керак, деб таъкидлаганлар.

Сўнги йилларда картошка етиштирилаётган майдоннинг (80300 га) 90-95 % да чет эл навлари етиштирилмоқда. Аммо, бу навлар эрта муддатда етиштирилса қандай озиқланиш майдонига экилиши тўғрисида адабиётларда маълумотлар етарли даражада эмас.

Озиқланиш майдонини эртаги картошка ҳосилдорлигига таъсир этиш ёки этмаслигини аниқлаш мақсадида картошканинг Аладин навини экиб тажриба ўтказилди.

Қўйилган мақсадни бажариш учун тажрибалар 2015 йил эрта баҳорда Тошкент давлат аграр университети тажриба станцияси шаронтида Голландиянинг ўртаги-эртаги Аладин навининг вазни 60-70 г бўлган уруғлик тугунақларини 0,14; 0,175; 0,21 (наз); 0,245 ва 0,28 см² озиқланиш майдонига 4 мартда экиб синалди. Дала тажрибалари тўрт такрорланишли бўлиб, ҳар такрорланишда ҳисобга олинадиган ўсимликлар жойлаштирилган майдонча юзаси 28 м² жами майдон юзаси 140 м² ни ташкил этди.

Тажриба майдончасида режага мувофиқ фенологик, биометрик ва бошқа кузатувлар ўтказилди.

Кузатувлардан маълум бўлишича эрта муддатда картошка 0,14; 0,175; 0,21; 0,245 ва 0,28 м² озиқланиш майдонига экилса ниҳолларни биринчи (10%) ва қийғос (75%) ҳосил бўлиш муддатига сезиларли даражада таъсир этмади. Аммо, хато миқдорини турлича бўлишлиги аниқланди (1-жадвал).

Синалган озиқланиш майдонлари картошкани ниҳол ҳосил қилиши жадаллигига таъсир этмади, аммо ниҳолларни яшовчанлигига ўз таъсирини ўтказди. Яъни, тажрибанинг биринчи вариантида ниҳоллар тўлиқ (75%) ҳосил бўлганидан сўнг хато миқдори 3,2% ни ташкил этди, аммо ҳосилни йиғиш олдидан бу кўрсаткич 6,7% га қўпайиб жами хато миқдори 9,9% ни ташкил этди. Бу вариантнинг ниҳолларини ўсув даврида нобуд бўлиши назорат озиқланиш майдонида (0,21 м²) ўсаётган ниҳолларни нобуд бўлишидан 3,5% га юқори бўлишлиги аниқланди.

Бизнинг фикримизча, бунга сабаб озиқланиш майдонидаги озиқ моддалар, сув ва ёруғликнинг етишмаслигидан бўлса керак. Озиқланиш майдони юзасини катталашиб боргани сари ниҳолларни ўсув даврида нобуд бўлиши камайиб боришлиги аниқланди. 0,175 м² озиқланиш майдонида ўсган картошка ниҳолларининг 3,2 фойзини, тўртинчи ва бешинчи вариант ниҳолларининг ўсув даврида нобуд бўлиши эса 2,1; 2,5 фойз бўлиб, назорат озиқланиш майдонида ўсган ниҳолларнинг нобуд бўлишидан 2,2 ва 1,8 % кам бўлишлиги маълум бўлди.